

## **Коррупцияга оид жиноятлар рўйхати, унда 16 турдаги жиноят ўрин олган.**

Коррупцион жиноятлар учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган қонунда коррупцияга оид жиноятлар рўйхати келтирилган.

Маълумот учун, Ўзбекистон Республикаси президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сонли фармонида Жиноят кодексида коррупцияга оид жиноятлар тоифасига кирувчи моддаларнинг аниқ рўйхатини белгилаш назарда тутилган.

Унга кўра, қуйидаги 16 турдаги жиноятлар коррупцияга оид жиноятлар сифатида белгиланмоқда:

ЖКнинг 167-моддаси учинчи қисми “д” банди (мансаб мавқеини суистеъмол қилиш йўли билан ўзлаштириш ёки растрата);

168-моддаси тўртинчи қисми “г” банди (хизмат мавқеидан фойдаланиб фирибгарлик содир этиш);

192-9-моддаси (тижоратда пора эвазига оғдириб олиш);

192-10-моддаси (ННТ ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш);

192-11-моддаси иккинчи қисмининг “в” банди (ННТ ёки бошқа нодавлат ташкилотида мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларини ғаразгўйлик ниятида суистеъмол қилиш);

205-моддаси иккинчи қисмининг “в” банди (ғаразгўйлик ниятида содир этилган ҳокимият ёки мансаб ваколоти доирасидан четга чиқиш);

206-моддаси иккинчи қисмининг “в” банди (ғаразгўйлик ниятида содир этилган ҳокимият ёки мансаб ваколоти доирасидан четга чиқиш);

208-моддасининг иккинчи қисми (ғаразгўйлик ниятида содир этилган ҳокимият ҳаракатсизлиги);

209-моддаси иккинчи қисмининг “в” банди (ғаразгўйлик ниятида содир этилган мансаб сохтакорлиги);

210-моддаси (пора олиш);

211-моддаси (пора бериш);

212-моддаси (пора олиш-беришда воситачилик қилиш);

213-моддаси (давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш);

214-моддаси (давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиши);

301-моддаси иккинчи қисмининг “б” банди (оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳолда ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, ҳокимият ваколатидан ташқарига чиқиш ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги);

243-моддаси (жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш), агар жиноят коррупцияга оид жиноятларни содир этиш натижасида олинган даромадларга нисбатан содир этилган бўлса.

**Қонунда мазкур рўйхатдан ўрин олган жиноятларни содир этганларнинг муддатидан илгари озодликка чиқарилмаслиги, уларга тайинланган жазо енгилроғи билан алмаштирилмаслиги назарда тутилган.**

